

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГЕМАТОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ -АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**БЕРГЕР ИННА ВИКТОРОВНА**

**ГЕМАТОГЕН ТРОМБОФИЛИЯЛАР ВА АФС СИНДРОМИНИ  
ПАТОГЕНЕЗИ, ПРОГНОЗИ ВА ДАВОСИ**

**14.00.29–Гематология ва трансфузиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН  
ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ– 2025**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)**

**Бергер Инна Викторовна**

Gematogen trombofiliyalar va APS sindromi patogenezi, bashorati va davolasi ..... 3

**Бергер Инна Викторовна**

Патогенез, прогнозирование и лечение гематогенных тромбофилий и АФС синдрома ..... 21

**Berger Inna Viktorovna**

Pathogenesis, prognosis and treatment of hematogenous thrombophilia and APS syndrome ..... 37

**Эълон қилинганишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГЕМАТОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ - АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**БЕРГЕР ИННА ВИКТОРОВНА**

**ГЕМАТОГЕН ТРОМБОФИЛИЯЛАР ВА АФС СИНДРОМИ  
ПАТОГЕНЕЗИ, БАШОРАТИ ВА ДАВОЛАСИ  
14.00.29–Гематология ва трансфузиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2025**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.DSc/Tib719 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахбороттаълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Махмудова Азиза Джумановна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар**

**Етакчи ташкилот:**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.

(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А. Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ш.А. Бабажанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Сўнгги йилларда бутун жаҳонда олиб борилаётган эпидемиологик тадқиқотларда онкогематологик касалликлар сонини сезиларли ортиши қайд этилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) берган маълумотларга кўра, «...ҳар йили сурункали лейкоз билан касалланиш сони 6-10%га ортмоқда ва ўртача йиллик касалланиш эса сўнгги 20 йилда 100000 аҳолига нисбатан кўрсаткичлар 9 дан 15тани ташкил этди. Сурункали Rh-негатив миелопролифератив касалликлар (СМПК) кенг тарқалганлиги, клиник белгиларнинг турли туманлиги, оғир тромботик ва тромбогеморрагик асоратларни юқори даражада ривожланиши билан тавсифланади. Айниқса ёш шахслар гуруҳи орасида СМПКли беморларда гематоген тромбофилия ривожланиш сонини ўсиши, патогенетик механизмларни етарли даражада ўрганилмаганлиги, клиник кечишнинг ўзига хослиги, тез-тез учрайдиган асоратлар ва қайталанишлар самарали профилактика чора тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда эрта ташхислашни такомиллаштириш заруриятини белгилаб беради.

Ваҳоланки, 68% гача бўлган тромботик асоратлар фақат биринчи ёки ҳатто иккинчи лавҳада қайд этилади (хос бўлмаган белгиларининг юқори улуши туфайли), ва тромбозларнинг аниқ сонига тўлиқ баҳо берилмаслиги мумкин...»<sup>1</sup>. СМПК кўпроқ катта ёшли шахсларда аниқланса, сўнгги йилларда 40 ёшдан кичик бўлганларда ҳам бу касаллик кўпроқ учрамоқда. Яшовчанлик медианаси 1,4 дан 9,1 йилгача ўзгариб туради. Бир неча ўн йиллар давомида аксарият беморлар учун гематоген тромбофилия жуда оғир касаллик ҳисобланган, беморларнинг умумий ҳаёт давомийлиги 5 йилга яқин муддатни ташкил этади.

Мамлакатимизда молекуляр-генетик ташхислаш воситалари ёрдамида касалликлар этиологияси бўлиб ҳисобланган ва тромбоз ҳолатлари асоратларини пасайтириш ва олдини олиш, халқаро баённомалар талабларига мос ҳолда, юқори технологияли тиббиётни ривожлантириш ёрдамида «...мамлакатимизда тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва ҳаммабоплигини, шунингдек касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олишни юқори технологик усулларини жорий этиш, диспансеризация ва патронаж хизматининг самарали моделларини ишлаб чиқиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини ривожлантиришни ошириш<sup>2</sup>...» каби вазифалар белгилаб берилди. Мазкур вазифаларни амалга ошириш гематоген тромбофилияни башоратлаш ва даволашда замонавий тиббий ёрдам самарасини оширишга,

---

<sup>1</sup> Downes K, Megy K, Duarte D, et al. Diagnostic high-throughput sequencing of 2396 patients with bleeding, thrombotic, and platelet disorders. *Blood*. 2019;134(23):2082-91. doi:10.1182/blood.2018891192.

<sup>2</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 25-apreldagi “Birlamchi tibbiy-sanitariya yordamini aholiga yaqinlashtirish va tibbiy xizmat ko‘rsatish samaradorligini oshirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-215-son qarori»

шунингдек тромбоз асоратлари кўрсаткичларини пасайтиришга, тиббий хизмат кўрсатишда такомиллаштирилган замонавий технологияларни қўллаш йўли билан ногиронлик ва ўлимни камайтиришга имкон беради.

Мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25-апрелидаги «Аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамни яқинлаштириш ва самарали тиббий хизматни ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги №ПҚ-215 сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5-майдаги «Тиббиёт ходимлари имкониятларини ошириш учун зарур бўлган шароитларни яратиш ва соғлиқни сақлашни ислох қилиш тизимида амалга ошириш тизимини кетма кет давом эттириш тўғрисида»ги №ПФ-6221 сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистон ривожланишининг Стратегияси тўғрисида»ги №ПФ-60 сон фармони, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни ҳал этиш учун хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси<sup>3</sup>.** Тромбозлар ва унга олиб келувчи ҳолатларни ривожланиш механизмларини ўрганишга бағишланган хорижий илмий тадқиқотлар қуйидаги марказларда: АКШ (University of Cambridge), Германия (Goethe-University), Франция (Hôpital européen Georges-Pompidou), Италия (San Giovanni Calibata Fatebenefratelli Hospital), Япония (University of Tokyo), Хитой (Guangzhou Hoffmann Institute of Immunology), Ҳиндистон (Institute of Medicine "Malabar") Россия (Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Миллий тиббий гематология илмий тадқиқот маркази” Федерал давлат бюджет муассаси) ва бошқа илмий муассасаларида амалга оширилмоқда).

Тромбозларни юқори самарадорликда ташхислаш ва даволашга эришиш учун бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Hôpital européen Georges-Pompidou 2023). Баъзи тадқиқотчилар берган маълумотларга кўра, туғма ёки ортирилган тромбофилия вензли тромбози бўлган 60%дан кўп беморларда аниқланади (Cushman M., 2017). Тромбозларни юзага келишини патогенетик механизмлари ва сабаблари ўрганилмоқда (James England, Vikas Gupta, 2017, 2022); олимлар томонидан ёшларда тромбозларни ривожланишига олиб келувчи янги мутациялар тўғрисидаги маълумотлар нашр этилмоқда (Unité Mixte de Recherche, Gustave Roussy, Quanyun Qi, 2022); тромбозни ривожланиш хавфи ва СМПКли беморларда интерлейкинлар (ИЛ1, 6,8, 10), ўсма некроз омили ( $\alpha$ -ЎНО), интерферон (ИНФ $\gamma$ ), цитокин профилларини баҳолаш самарадорлиги исботланди (Young A.M., Marshall A., Thirlwall J, 2018). Акушерлик патологияси ва гематолитик бузилишлар, қайталанувчи веноз ёки

<sup>3</sup> Dissertatsiya mavzusi bo'yicha xorijiy ilmiy tadqiqotlarga sharh <https://www.sciencedirect.com/>, <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/>, <https://scholar.asosida> amalga oshirildi. [google.com/](https://www.google.com/) va boshqa manbalar.

артериал тромбозларни тавсифловчи АФС аниқланди (Clark C.A. et al., 2011; Cuadrado M.J., Hughes G.R.V., 2016; Решетняк Т.М., Алекберова З.С., 2018).

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Гематоген тромбофилиянинг замонавий тадқиқотлари қон томир деворининг шикастланиш механизмларини ва антитаначаларнинг хужайра мембраналари билан ўзаро таъсирини таҳлил қилишга қаратилган (Самойленко В. В., 2020). Тромботик асоратларни башоратлаш ва даволаш ҳозирги кунда фаол ўрганилмоқда (Мидделдорп С. 2021; Отомо К., Ацуми Т., 2020). Генетик белгилари ва иммунологик хусусиятларини аниқлашда сезиларли ютуқларга эришилганига қарамай, хавф омилларини табақалаштириш, даволаш чораларини танлаш ва антикоагулянт терапияни мувофиқлаштириш масалалари мунозарали бўлиб қолмоқда. Турли хил ташхислаш алгоритмлари ва даволаш ёндашувлари мавжуд, аммо уларнинг самарадорлиги ва натижаларга таъсирини кўшимча ўрганиш ҳамда клиник жиҳатдан тасдиқлашни талаб қилади (Пернод Г., Бирон-Андреани С. 2019).

Гематоген тромбофилияларнинг генетик омиллари: унинг энг кўп ўрганилганларидан бири FV мутацияси (Лейден омили В), шунингдек протромбин генидаги мутация (Г20210А) ҳисобланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу генетик полиморфизмлар веноз тромбоз хавфини сезиларли даражада оширади. Тромбоз ривожланишида FV мутациясининг аҳамиятини намоён этган LET Study (Лейден Тромбофилиясини ўрганиш) каби тадқиқотларнинг ҳиссасини таъкидлаш муҳим. Муҳим халқаро лойиҳалардан бири Mendelian Randomization studies бўлиб, у тасодифий Менделев танлови бўйича намуна олиш ёндашувлари ёрдамида генетик хавф омилларини баҳолашга қаратилган. Тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, мултифакториал ёндашув, шу жумладан генетик ва клиник белгилар тромбоз хавфини аниқроқ башорат қилиш имконини беради (Молл с, 2021).

Республика ихтисослаштирилган Гематология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон) халқаро марказлар билан яқин ҳамкорлик қилади, уларнинг аксарияти тромбозни ўрганиш бўйича илмий грантларни ўтказиш ва амалга ошириш учун меморандумлар имзоланган. Аммо гемостаз, цитокин ҳолати ва генетик полиморфизмларнинг ўзаро боғлиқлиги ўрганилган нозологияларда ҳозиргача чуқур таҳлил қилинмаган.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллий ва хорижий илмий ишларда аввал гематоген тромбофилияни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган ва Сурункали миелопролифератив касалликлар билан хасталанган беморларда тромбоз ҳолатларининг учраши, уларнинг шаклланиши ва ривожланишига маълум хавф омилларининг таъсири ўрганилмаган. Шу муносабат билан тромбоз шаклланиши хавфини алоҳида ҳолатларда баҳолашни ўрганиш, унинг етакчи динамик белгиларини аниқлаш, сўнгра унинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, касалликнинг ривожланишини ва асоратлар юзага келишини олдини олишга имкон беради, бу эса диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамиятини тасдиқлайди. Сўнгги чорак аср давомида Х. Ё. Каримов, 2010 ва К.Т. Бобоев 2017 ва унинг шогирдлари Сидикова Ш.Е. 2009, Шамсутдинова Д. А. 2019, томонидан СМПК билан оғриган беморларда фолат цикли генлари полиморфизмларни аниқлашга бағишланган тадқиқотлар

ўтказилган. Аммо Rh - салбий СМПК ли беморларда туғма гемостаз тизими ўзгаришлари, цитокин ҳолати ва уларнинг тромбоз билан боғлиқлиги, шу билан бирга, тромботик асоратларнинг фолат метаболизми генлари ҳамда гемостаз генларининг полиморфизмлари билан боғлиқлиги баҳоланмаган.

**Диссертация тадқиқотининг бажарилган илмий-тадқиқот муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.**

Диссертацион тадқиқоти ЎзР ССВ Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббий марказининг «№ ПЗ 2017092677 «Гемостазиопатиянинг турли шакллари бўлган беморларда гиперкоагуляцион синдромнинг ташхислаш, даволаш ва олдини олишни замонавий усуллари мажмуасини ишлаб чиқиш ва илмий асослаш» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилди (2018-2020).

**Тадқиқот мақсади** клиник-лаборатор, молекуляр-генетик ҳамда иммунологик маълумотларни ўрганиш асосида Rh-манфий сурункали миелопролифератив кассалиги ли беморларда антифосфолипид синдроми ва гематоген тромбофилияни даволашга янги ташхисловчи ва башоратловчи ёндошувларни ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Гематоген тромбофилия ва антифосфолипид синдромли Rh-манфий бўлган СМПКли беморларда динамикада гемостаз тизими ҳолатларини ўрганиш;

Гематоген тромбофилияни ривожланиши асосида ётувчи клиник-патогенетик бузилишлар ва иммун фаол цитокинлари IL1 $\beta$ , IL4, IL6, IL10 ҳамда  $\alpha$ ЎНО, ИНФ $\gamma$  ўртасидаги функционал боғлиқликни аниқлаш;

Цитокинли статусдаги ўзгаришлар ҳамда вирусли гепатит “С” ва вирусли гепатит “В” антителаларини ўрганиш асосида антифосфолипид синдроми ва гематоген тромбофилияни ривожланишида вирусли инфекция ролини баҳолаш;

*FGB, F2, F5, F7* гемостаз генлар мутациясини аниқлаш ва уларни гематоген тромбофилиянинг клиник кечиш тавсифига биргаликдаги тавсифини аниқлаш;

фолат цикли полиморфизм генларини *MTHFR, MTRR, MTR* гематоген тромбофилиянинг клиник кечиши тавсифига гемостаз генлари мутацияси билан биргаликдаги таъсирини баҳолаш;

Rh-манфий СМПКли беморларда тромботик асоратларнинг патогенетик профилактикасини эрта бошланиши ва гематоген тромбофилия маркерларини аниқлаш заруриятини асослаш.

**Тадқиқот объекти.** Клиник –лаборатор тадқиқотлар натижаларига кўра текширилувчиларнинг асосий гуруҳига 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган Rh- салбий сурункали миелопролифератив лейкозли беморлар киритилди (n=142). Улардан 14% беморлар 2018-2023 йилларда ЎзР ССВ РИГИАТМ стационар даволанишда бўлган АФС синдромли беморлар бўлди. Назорат гуруҳини мос бўлган ёшдаги 41 нафар соғлом шахслар ташкил этди.

**Тадқиқот предмети:** Полимераза занжири реакцияси усули билан ўрганилаётган генларнинг детекциясини ўтказиш учун ва цитокинли статус, диссертацион тадқиқот вазифаларини қамраб олган барча гемостазиологик параметрлар, қоннинг умумий кенгайтирилган таҳлилинини текшириш учун

периферик қон, шунингдек ташхисни тасдиқлаш учун суяк кўмигидан пунктант бўлди.

**Тадқиқот усуллари:** Диссертацияда илмий-таҳлилий маълумотларни олиш учун зарур бўлган, бир бирини тўлдирувчи умумклиник, гемостазиологик, морфологик, иммунофермент, молекуляр-генетик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

СМПКда гиперкоагуляцион синдромнинг бта шакли учрайди, улардан гемостазнинг бошқа бузилишлари билан биргаликдаги С,S протеинларнинг танқислиги СМПКли беморларда тромбоз хавфини, қон прокоагулянтларини (VIII омили, IX омили, Виллебранд омили) 5 мартагача ошиши, тромботик асоратлар хавфини 7-8 мартага ошиши ва шунингдек бир неча марта қайталанувчи тромбозларга олиб келиши аниқланди;

СМПКда периферик қондаги моноклеарлар тромбозларни ривожланиш оғирлигига боғлиқ бўлган ИНФү нинг юқори миқдори ва  $\alpha$ -ЎНО яллиғланиш цитокинларининг жуда юқори миқдорда ажралиб чиқиши, ўткир тромбоздан азият чекувчи беморлар қонида прокоагулянт механизмларнинг фаоллиги ва IL-1 $\beta$ , TNF- $\alpha$  ларни ортиши ўртасидаги ўзаро патогенетик алоқа аниқланди;

В ва С вирусли гепатитига чалиниш қон зардобида ИЛ-1 $\beta$ , ИЛ-6 ва  $\alpha$ -ЎНО концентрациясини ортиши билан бирга кузатилади, ВГС (t=10,80; p<0,05) антителоларини ишончли равишда юқори даражада мавжуд бўлиши эса Ph-манфий бўлган беморларда АФСни ривожланишига олиб келади.

*FGB G(455)A*, *F2 G20210A*, *F5 G1691A* ва *F7 (G10976A)* гемостаз генларининг мутацияси, шунингдек фолат цикли *MTR(A2756G)*, *MTHFR(C677T)* полиморфизм генларини, Ph-манфий СМПКда тромбофилияли турғун ишончли ассоциациясига эга эмас ва тромботик асоратларни ривожланишининг предиктори сифатида фойдаланиб бўлмади, бунда *MTRR(A66G)* полиморфизмининг G нохуш аллеллари ташувчи сифатида беморлардаги тромботик асоратларни ривожланишида хавф омилининг аллел юкламасига боғлиқлиги аниқланди;

Исботландики, гомоцистеиннинг зардоб даражаси *MTHFR*, *MTRR*, *MTR* генетик полиморфизмига боғлиқ бўлмаган, Ph- манфий СМПК беморларида тромботик хавфнинг боғлиқ бўлмаган омили ҳисобланади, тромботик асоратли СМПК беморларида қондаги фибриноген концентрацияси *FGB G(455)* ген мутацияси билан ассоциацияланади, бу эса уларни даволаш баённомасини коррекция қилиш мақсадида аниқлашни талаб этувчи, ташхисловчи ва даволавчи тромбофилия маркерлари сифатида кўриб чиқишга имкон беради.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

Касалликни кечиш оғирлиги ва тромботик асоратларни шаклланишида Ph-салбий сурункали миелопролифератив лейкозли беморларда IL1 $\beta$ , IL 4, IL 6, IL10 ва  $\alpha$ ЎНО, ИНФү цитокинларининг башоратловчи аҳамияти аниқланди;

Беморларни цитокинли статусини ўрганиш ва бир бирини тўлдирувчи молекуляр-генетик усуллар асосида ушбу патологияни кечишини башоратлаш ва ташхислаш, даволаш усуллари оптималлаштирилди ва такомиллаштирилди;

АФС ва гематоген тромбофилияли беморларни яшовчанлигини оширишга қаратилган, ташхисловчи, бир бирини тўлдирувчи ва даволовчи чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилди.

АФС синдром ва гематоген тромбофилияни башоратли ташхислаш учун ташхислаш чора-тадбирлари мажмуасидаги стандарт текшириш усуллари билан бир қаторда яллиғланиш олди цитокинлари IL 6, IL 10 ва  $\alpha$ ЎНО, ИНФ $\gamma$  ва *MTHFR*, *MTRR* ҳамда *FGV* генларининг биргаликдаги вариантларини молекуляр-генетик текширишларни киритиш таклиф этилди.

Гематоген тромбофилияли беморларда тромботик асоратларни медикаментоз олдини олишни патогенетик асослаш схемаси ишлаб чиқилди

**Тадқиқотда олинган натижаларнинг ишончлилиги** ишни олиб боришда қўлланилган, танлаб олинган усулларнинг мослиги ва тўғрилиги билан асосланади. Тадқиқотда гематоген тромбофилияни ўрганиш учун кенг кўламдаги юқори махсус, замонавий, клиник, биокимёвий, иммунофермент, генетик усуллар фойдаланилди, шунингдек статистик аҳамиятли натижаларни олиш учун етарли сондаги беморлар жалб этилди. Олинган маълумотларга оқилона баҳо берилди, мавжуд бўлган маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар билан бирга қиёсий тавсиф ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ишнинг назарий аҳамияти шундан иборатки, тўлақонли равишда касаллик патогенезига уларни жалб этилиши Ph- салбий сурункали миелопролифератив лейкозлар фонида гематоген тромбофилияли беморларда периферик цитокин статусини текшириш зарурияти асосланди ва исботланди. СМПКли беморларда тромбозни ривожланиш хавфини башоратлашда тромбофилиянинг генетик маркерларини роли белгиланди, биргаликда келган ирсий мутацияларда клиник кечишнинг оғирлиги билан алоқаси аниқланди. Асосий яллиғланиш цитокинлари IL1 $\beta$ , IL 4, IL 6, IL 10 ва  $\alpha$ ЎНО, ИНФ $\gamma$  ҳамда тадқиқот натижаларига кўра ўрганилаётган касалликни ташхислаш алгоритми такомиллаштирилди ва касаллик кечишининг башоратловчи мезонлари таклиф этилди. Ўтказилган антиромботик даволаш сифатини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди, антиромботик даволашнинг жадаллиги ва оптимал давомийлиги баҳоланди. Клиник амалиётга СМПКли беморларда профилактик мақсадида антиромботик даволаш схемаси ва кузатишлари, ташхислаш амалиёти ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, тромботик асоратларни ривожланишининг юқори хавфига эга бўлган, беморлар гуруҳи ажратиб олинди. Танлаб олинган даволаш баённомасини тўғрилигини аниқлашга имкон берувчи тадқиқотлар ва касалликни кечиш оғирлигини башоратлашда ташхисловчи тадқиқот босқичлари оптималлаштирилди. Гематоген тромбофилия якунлари башоратини белгилаб берувчи омиллар аниқланди. Республикадаги даволаш-профилактика муассасаларининг клиник амалиётига диссертация иши натижаларини жорий этилиши ушбу тоифа беморларида жараёнларни ўз вақтида аниқлаш, ҳисобга олиш, эрта ташхислаш, мажмуавий текшириш, босқичли даволаш ва асоратларни олдини олишни сезиларли оптималлаштиради.

**Тадқиқот натижаларини жорий этилиши.** Гематоген тромбофилия ва АФС синдроми билан оғриган беморларда периферик қондаги цитокинлар ва молекуляр генетик хусусиятларнинг аҳамияти бўйича илмий тадқиқот ўтказилди ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник Кенгашнинг 22 июл 2024 йил 4-сонли хулосасига мувофиқ:

*Биринчи илмий янгилик:* Сурункали миелопролифератив касалликларда гиперкоагуляция синдромнинг 6 шакли пайдо бўлиши аниқланиб, улардан С, S оксиленинг этишмаслиги, бошқа гемостаз касалликлари билан биргаликда сурункали миелопролифератив касалликлар билан оғриган беморларда тромбоз хавфини 5 баробар ошиши, қон прокоагулянтларининг кўпайиши (VIII омил, IX омил, Виллебранд омили), тромботик ҳодисалар хавфини 7-8 баробар ошириши мумкин. асоратлар, шунингдек такрорий тромбозга олиб келади. Илмий янгиликни амалиётга жорий этиш: Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2024 йил 28 феврал н-з/5 3-сонли буйруғи билан, 2024 йил 20 февралда ва Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 22-сонли буйруғи ва 2024 йил 24 январдаги Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 70-U -сонли буйруғи билан гематология бўлимлари амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагича: бу тромботик асоратларни ва ретромбоз ҳолатлари ривожланишининг самарали олдини олиш имконини берди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: сурункали миелопролифератив касалликларда гемостазга таъсир қилувчи гиперкоагуляция шакллари аниқлаш, шунингдек, ретромбоз ҳолатларининг шаклланиши учун масъул бўлган текширувларни яратиш ва касалликни етарли даражада даволаш ногиронликни камайтириши ва беморларнинг ўртача умр кўриш давомийлигини ошириши мумкин. Хулоса: ушбу ташхислаш тадбирларининг самарали амалга ошириш ва тромбоз ҳолати пайдо бўлишини бартараф этишга қаратилган профилактика тадбирларини ташкил этиш, ушбу касалликларга чалинган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, шунингдек даволаниш учун молиявий харажатларни камайтириш имконини беради.

*Иккинчи илмий янгилик:* ўткир тромбозли сурункали миелопролифератив касалликка чалинган беморларда периферик қон мононуклеарлари тромбознинг оғирлигини келтириб чиқарадиган жуда юқори миқдордаги ФНО- $\alpha$  ва ИНФ $\gamma$  каби яллиғланиш цитокинларининг юқори миқдорда ишлаб чиқариши ва IL-1 $\beta$ , TNF- $\alpha$  кўпайиши ва прокоагулянт механизмларнинг фаоллашиши орасида патогенетик боғлиқлик аниқланди. Илмий янгиликни амалиётга жорий этиш: Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2023 йил 30 май н-р/2 5-сонли буйруғи билан, 2024 йил 20 февралда ва Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 20-сонли буйруғи ва 2024 йил 24 январдаги Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 72-U -сонли буйруғи билан гематология бўлимлари амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги

қуйидагича: сурункали миелопролифератив касалликлар билан оғриган беморларда тромбоз хавфининг прогностик мезонлари ишлаб чиқилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: у дори воситалари ва диагностика тадбирлари учун давлат харажатларини 93,2 миллион сўмга камайтирди. Хулоса: тадқиқот натижалари гематоген тромбофилияни ташхислаш сифатини яхшилашга ва иммунитетнинг бузилиши, уларнинг тромбоз шаклланишига таъсирини аниқлашга имкон берди.

*учинчи илмий янгилик:* вирусли гепатит В ва С билан касалланиш ИЛ-1 $\beta$ , ИЛ-6 ва ФНО $\alpha$  қон зардобода концентрациясининг ошиши ва ВГС ( $t=10,80$ ;  $p<0,05$ ) антитаналари мавжудлиги билан бирга келади ( $t=10,80$ ;  $p<0,05$ ), Rh-манфий сурункали миелопролифератив касалликка чалинган беморларда АФС ривожланишига олиб келади. Илмий янгиликни амалиётга жорий этиш: Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2023 йил 30 май н-р/2 5-сонли буйруғи билан, 2024 йил 20 февралда ва Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 20-сонли буйруғи ва 2024 йил 24 январдаги Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 72-U -сонли буйруғи билан гематология бўлимлари амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Rh-манфий сурункали миелопролифератив касалликли беморларда АФС диагностикаси алгоритмини ишлаб чиқилиши, оғир қайталанувчи тромботик асоратлар ривожланишининг олдини олишга ёрдам берди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: даволаш харажатларини 4,8 миллион сўмга камайтди. Хулоса: бу диагностика тадбирларининг самарадорлигини ошириш ва тромбоз пайдо бўлишини бартараф этишга қаратилган профилактика чораларини ташкил этиш, шу билан беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, шунингдек молиявий харажатларни камайтириш имконини беради.

*тўртинчи илмий янгилик:* FGB G(455)A, F2 G20210A, F5 G1691A ва F7 (G10976A), гемостаз генларининг мутациялари, шунингдек фолат цикли MTR(A2756G), MTHFR(C677T) генларининг полиморфизмлари Rh -салбий сурункали миелопролифератив касалликларда тромбофилия билан барқарор ишончли алоқага эга эмаслиги аниқланди ва беморларда тромботик асоратларни ривожланишини башорат қилувчи восита сифатида фойдаланиш мумкин эмас, MTRR(A66G) полиморфизмининг салбий G аллелини ташиш эса беморларда тромботик асоратларни ривожланиши учун аллел юкламасига боғлиқ хавф омилidir. Илмий янгиликни амалиётга жорий этиш: Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2024 йил 28 феврал н-з/5 3-сонли буйруғи билан, 2024 йил 20 февралда ва Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 22-сонли буйруғи ва 2024 йил 24 январдаги Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 70-U -сонли буйруғи билан гематология бўлимлари амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагича: Фолат метаболизми ва

тромбофилиянинг генетик мутациялари ўртасида ишончли боғлиқлик йўқлигини аниқлаш уларни диагностика алгоритмидан чиқариб ташлаш ва G MTRR(A66G) аллелининг ташувчанлигини аниқлаш имконини беради, бу эса хавфни башорат қилиш ва даволаш тактикасининг аниқлигини оширади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тромбофилия ташхисига мақсадли ёндашув беморлар ва тиббиёт муассасалари учун пулни тежайди. Хулоса: тадқиқот натижаларини амалга ошириш стандарт диагностика алгоритмларини такомиллаштириш ва тромбоз асоратларнинг шахсий профилактикаси орқали тиббиётда далиллар базасини шакллантиришга ёрдам беради.

*бешинчи илмий янгилик:* гомоцистеиннинг қон зардобидаги миқдори *MTHFR, MTRR, MTR*, генетик полиморфизмлари билан боғлиқ бўлмаган Ph-салбий сурункали миелопролифератив касалликка чалинган беморларда мустақил тромботик хавф омили эканлиги ва тромботик асоратлари бўлган сурункали миелопролифератив касалликлар билан оғриган беморларда фибриноген концентрацияси *FGB G(455)* гени мутацияси билан боғлиқлиги исботланганлиги даволаш протоколларини тузатиш учун идентификацияни талаб қиладиган тромбофилиянинг диагностик ва прогностик белгилари сифатида кўриб чиқишга имкон беради. Илмий янгиликни амалиётга жорий этиш: Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2024 йил 28 феврал н-з/5 3-сонли буйруғи билан, 2024 йил 20 февралда ва Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 22-сонли буйруғи ва 2024 йил 24 январдаги Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 70-U -сонли буйруғи билан гематология бўлимлари амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагича: Ph-салбий сурункали миелопролифератив касалликлари бўлган беморларда ташхислаш сифатини яхшилайти ва хавфларни ўз вақтида аниқлаш имкониятини оширади ва аниқланган маркерлар асосида ҳар бир беморнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оладиган даволаш ва профилактика протоколлари ишлаб чиқиши мумкин, бу тромботик асоратлар эҳтимолини камайтиради ва узоқ муддатли даволаш натижаларини яхшилайти. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: гомоцистеин ва *FGB G(455)* мутациясидан башоратлаш мақсадида фойдаланиш тромбознинг олдини олиш ёки уларнинг частотасини камайтириш имконини беради, бу эса асоратларни, шу жумладан касалхонага ётқизиш ва жарроҳлик аралашувларни даволаш харажатларини камайтиради. Хулоса: сурункали миелопролифератив касалликлари бўлган беморларда тромботик асоратларни эрта аниқлаш ва олдини олиш ногиронликни камайтиришга ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Натижаларни амалиётга татбиқ этиш диагностика, хавфни баҳолаш, даволаш самарадорлигини оширди ва асоратлар сонини камайтирди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 халқаро ва 5 республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда баён этилди ва муҳокамадан ўтказилди: Халқаро (онлайн) маъруза-30 дақиқа 6th International Conference on Clinical Hematology and Transfusion Medicine 2022;

шифокор гематологлар учун таъли семинари "ASH 2022; СМПКни ташхислаш ва даволашнинг замонавий жиҳатлари ", 02.02.2023й; Халқаро (онлайн) маъруза- Шифокор гематологлар учун Тиббий таълим вебинари «ЖССТ маълумотларига кўра СМПКни ташхислаш мезонлари. Маълумотлар интерпретацияси» 05.03.2023; Халқаро (онлайн) маъруза- Шифокор гематологлар учун Тиббий таълим вебинари «ЖССТ маълумотларига кўра СМПКни ташхислаш мезонлари. Маълумотлар интерпретацияси» 05.03.2023; Амалий анжуманда «*klinik laborator diagnostikada innovatsion texnologiyalardan foydalanish, muammolar va yechimlar xalqaro ilmiy-amaliy anjuman 18 aprel 2023 yil*. Мавзусидаги маъруза. Халқаро (онлайн) маъруза- Шифокор гематологлар учун Тиббий таълим вебинари «ЖССТ маълумотларига кўра СМПКни ташхислаш мезонлари. Маълумотлар интерпретацияси» 07.09.2023й; «Сурункали Ph- миелопролифератив касалликларни замонавий ташхислаш жиҳатлари» мавзусидаги Гематология РИИАТМ анжуманидаги маъруза 26.12.2023.

**Тадқиқот натижаларинини эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 29 илмий ишлар нашр этилган бўлиб улардан: тиббиёт доктори (DSc) илмий даражасига диссертациянинг асосий илмий натижаларини нашр этириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси тавсия этган 22 илмий журналларда чоп этилган мақолалар (7 - хорижий, 15 – маҳаллий) ва 7 тезислар (5 халқаро ва 3 маҳаллий) бўлди. Ишнинг натижаларига шунингдек шифокорлар учун 3 услубий тавсиянома ва 1 монография ҳам киритилди.

**Диссертациянинг хажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг хажми 193 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруриятининг асосланиши тақдим этилган, мақсад ва вазифалар, объектлар ва тадқиқот предмети шакллантирилган, тадқиқотни Ўзбекистон республика фан ва технологиялари ривожланишини устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, кетма кет баён этилган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича материаллар, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Гематоген тромбофилия: муаммога замонавий қарашлар ва юзага келиш механизми (адабиётлар шархи)**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар таҳлили келтирилган, гематоген тромбофилиянинг ривожланишида юзага келиши мумкин бўлган механизмлар ва эпидемиологияси баён этилган, даволаш тамойиллари ва ташхислашнинг замонавий усуллари, антифосфолипид синдроми (АФС) патогенезидаги иммун тизимнинг роли ёритиб берилган. Адабиётларда ёритиб берилган

маълумотларни таҳлил қилиш асосида жуда майда қисмларгача ўрганишни талаб этувчи масалалар аниқланди. Бобни ушбу тадқиқотларни ўтказиш зарурияти ва амалий аҳамиятини асослаш билан хулоса яқунлайди.

Диссертациянинг «**Беморларни текшириш усуллари ва клиник материалларини тавсифи**» номи остидаги иккинчи бобида тадқиқотнинг махсус усуллари баён этилган ва текширилган беморларнинг умумий тавсифи берилган. Мазкур диссертацион иш асосига тадқиқотларнинг молекуляр-генетик усуллари ва иммунофермент таҳлил (ИФТ) усули билан цитокин мақомини ўрганиш таҳлили қўйилган.

Беморларни клиник текширишга: яқин қариндошлар анамнезида онкогематологик касалликлар ва шунга ўхшаш шикоятларни мавжудлиги билан бирга, бемордаги шикоятларни майда қисмларгача ўрганиш билан анамнезни тўлиқ ихтисослаштириб йиғишни ўз ичига олади. Беморни умумий клиникдан ўтказиб: беморнинг умумий ҳолати, геморрагик ва тромботик синдромлар предметида кўринадиган шиллик қаватлар ва тери қопламаларини кўриқдан ўтказиш, периферик лимфа тугунларини пальпацияси, жигар ва талоқ пальпацияси, шишларни мавжудлиги ўрганилди. Текширилганлар гуруҳига ташхис қўйиш вақтида Республика Гематология ИАТМда даволанишда бўлган СМПКли 142 нафар беморлар киритилди. Улардан аёллар 48% (68) нафарни ва эркеклар 52% (74) нафарни ташкил этди. Текширилганларнинг ёши 18 дан 55 ёш ўртасида ўзгариб турди ( $38,2 \pm 3,7$ ). Ретроспектив усул билан 2015-2020 йиллардаги 324 касаллик тарихи ўрганилди. Проспектив текширишлар эса 36 ой давомида ўтказилди. Қўйилган мақсад ва вазифаларга мос ҳолда ушбу тадқиқотлар 4 босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда қоннинг умумий таҳлили, миелограмма ва ҳақиқий полицетемия (ХП), эссенциал тромбоцитози (ЭТ) ва миелофибрози (МФ) ташхисларини тасдиқловчи генетик текширишлар каби одатий лаборатор усуллар ўтказилди.

Иккинчи босқичда антифосфолипид синдромни ташхислашни ўз ичига олган гемостазиологик параметрларни ўрганиш ўтказилди. Текширишлар АОК «Технология-Стандарт» (Россия, Барнаул), НПО «Ренам» (Россия, Москва) ва «Siemens» фирмасининг (коагулометр учун «SysmexSA 660») фирмаси реактивларидан фойдаланиш билан, нефелометрик оптик коагулометр «СА-50» «Sysmex» (Япония), агрегометр «АЛАТ-БИОЛА 2» (Россия), автоматик оптик коагулометр «Sysmex» SA 660 (Япония) ёрдамида ўтказилди. Тестга сезувчанлик ва калибраторнинг мақсадли белгилари Халқаро референс белгиларга мос ҳолда стандартлаштирилди.


Учинчи босқичда тромбоз эпизодисиз ва тромботик асоратга эга бўлган СМПКли беморларда асосий яллиғланиш ва яллиғланишга қарши бўлган цитокинлар— ИЛ1, ИЛ-4, ИЛ-6, ИЛ-10,  $\alpha$ ЎНО ва ИНФү ўрганилди. Гемостазиологик параметрлар ва ўрганилаётган цитокинлар ўртасидаги корреляция аниқлаштирилди. ИЛ-1,4,6,10, ИНФү ва  $\alpha$ ЎНОларни аниқлаш учун Хитойда ишлаб чиқарилган, «Вектор-БЕСТ» фирмасининг реагентлари, «MR-96А» ИФТ аппаратида қўлланилди.

Тўртинчи босқичда тромбофилиянинг полиморфизм генларини (*FGB*, *F2*, *F5*, *F7* гемостаз генларини мутацияси ва *MTHFR*, *MTRR*, *MTR* фолат цикли генларининг полиморфизми) полимераза занжирли реакция усули ёрдамида

текшириш ўтказилди. Текширишлар даври якунлангандан кейин уларни статистик қайта ишлаш учун олинган маълумотлар Microsoft Excel, 2016 жадвалига киритилди (маълумотлар базасини шакллантириш, баён этилувчи статистика, маълумотларни график тасвирлаш). Ҳисоблаш воситаси сифатида интернетда мавжуд бўлган GraphPad Prism version 8.0.1 (244) амалий дастурлар тўплами қўлланилди (Баён этувчи статистика, ажратмаларни аниқлаш, t-мезон, ИИ ўртача/фарқлар /муносабатлар/СО, кўп сонли қиёсий тестлар, чизикли регрессия, Фишер мезони, Хи-квадрат, Р белгилар интерпретацияси ва бошқалар) қўлланилди ([https://www.graphpad.com/guides/prism/8/user-guide/Tips\\_for\\_using\\_Prism.htm](https://www.graphpad.com/guides/prism/8/user-guide/Tips_for_using_Prism.htm)). Иккинчи боб хулосасида таҳлилларга киритилган маълумотлар тавсифини ҳисобга олиш билан кўрсаткичлар ва статистик тестларни танлаб олишнинг асоси берилган ва фарқларнинг ишончлилик кўрсаткичларини аҳамиятлилик даражаси кўрсатиб берилган ( $p \leq 0,05$ ).

Диссертациянинг «Тадқиқот натижалари ва уларни муҳокамаси» деб номланган учинчи бобида миелограмма, қоннинг умумий таҳлилини аҳамиятли кўрсаткичларини объектив баҳолаш таҳлил қилинган ва жумладан АФС синдромли ва гематоген тромбофилияли беморларда тромбозларни учраш сони ҳамда асосий тавсифи берилган. JAK2V617F, MPLS505N ва CALR генларининг соматик мутациясини аниқланиш сони, гематоген тромбофилияни аниқлаш сони бўйича ретроспектив маълумотлар келтириб ўтилган. Демак, ЧПда 194 нафар беморларда (89%) ушбу мутация тасдиқланди. Шунингдек янускиназа генидаги мутация ЭТли беморларда 61% ва миелофиброзли беморларнинг 18 нафариди (56,2%) учради.

1-расм



1-расм. Гемостаз тизимида бузилишлар тури бўйича беморларни тақсимланиши

Кальретикулин (CALR) генидаги соматик мутация 57 нафар ЭТли беморларнинг 31,5%да учрайди, бироқ таҳлил фақат 24 нафар беморга қўйилган холос. МФ мутация 49 нафар беморларнинг фақат 12,2%да қайд этилди, таҳлил 18 нафар беморларда ўтказилди. танлаб олинган мутацияларнинг 2 сони бир вақтда бирга келиши мавжуд бўлиши текширилганларнинг 3%да учради.


Умумий гуруҳда (n = 324) тромботик асоратларнинг сони 100 нафар беморга 3,5 ни ташкил этди. Тромбозлар эпизод ива тромботик асоратлар 36-55 ёш тоифаларида ортади.

Проспектив таҳлилда гемостазиограмма кўрсаткичлари алоҳида қизиқиш уйғотади, бунда-СМПКли беморларда тромбоцитларнинг адгезив-агрегацион хусусиятларини бузилиши билан биргаликдаги геморагтик асоратларга олиб келувчи, гиперкоагуляциясин синдромнинг 1 вариантыни ривожланишига сабаб бўладиган, патогенезнинг 6 механизмини аниқлаш каби ўзига хосликлар аниқланди.

Тромботик асоратли ва усиз бўлган беморлар гуруҳлари, шунингдек назорат гуруҳлари ўртасида ишончли фарқлар аниқланди. СМПКли беморлардаги (n=142) назорат гуруҳидан фарқли равишда, гемостаз тизими кўрсаткичлари АҚТВни 1,6 мартага ишончли ортишини қисқаришини ва гемоцистеин даражасини 1,8 мартага, Д-димерни 3,2 мартага ортишини аниқлашга имкон беради. Тромботик эпизодларсиз гуруҳга нисбатан тромбозли кичик гуруҳнинг қиёсий таҳлили АҚТВ даражасини 1,1 мартага аҳамиятли қисқаришини, Д-димерларни 1,4 мартага, РФМК даражасини икки мартадан кўпроққа ишончли ортишини кўрсатди, бу томир ичи коагуляциясини кучайишини намоён этади.



Диссертациянинг «Гематоген тромбофилияли беморларда цитокинли статусни текшириш» деб номланган тўртинчи бобида текшириш натижалари келтириб ўтилган бўлиб, у илмий ишнинг асосий вазифаларидан бирини хал этишни кўзда туттади. Мазкур боб СМПКли беморларининг периферик қонида цитокинларни (IL1 $\beta$ , IL4, IL6, IL10 ва  $\alpha$ ЎНО, ИНФ $\gamma$ ) хосил бўлиши ва синтезини ўрганишга, шунингдек гематоген тромбофилиянинг клиник-патогенетик полиморфизми ва иммуноциркулятор бузилишлари ўртасидаги ўзаро алоқани аниқлашга бағишланган. Яллиғланиш цитокини ИЛ-6 ўз ўзидан юзага келиш маҳсулотининг даражаси, ўткир даврдаги тромбозли беморлар гуруҳида 26 мартага ва меъёрга нисбатан солиштирилганда анамнезида тромбози мавжуд бўлган беморларда 17 мартага ошган (мос холда 63,2 $\pm$ 5,4 пг/мл, 42,11 $\pm$ 9,49 пг/мл ва 2,4 $\pm$ 0,2 пг/мл).

2- расм



2-расм. Текширилганларнинг периферик қонида мононуклеарлар билан цитокинларни ўз ўзидан юзага келиш маҳсулотлари

Олиб борилган тадқиқотлар жараёнида шундай маълумотлар олиндики, цитокинларга миелофиброз, эссенциал тромбocyтeмия ва чин полицитемияли беморлардаги тромботик асоратларни ривожланишида муҳим башоратловчи аҳамияти таълуқли бўлиши мумкин. Шунингдек аниқландики, ИЛ-6 ва  $\alpha$ УНО ларнинг ўзаро боғлиқлиги қон зардобидаги IX омил ва Виллебранд омиллари синтезини кучайтириши мумкин, бу эса тромб хосил бўлишига сабаб бўлади.



**3-расм. Назорат гуруҳида ва Rh-салбийли сурункали миелопролифератив кассалиги гуруҳидаги беморларда ИЛ1 цитокини концентрацияси**

**4-расм. Rh-манфийли сурункали миелопролифератив кассалиги беморларда  $\alpha$ УНО цитокинининг концентрацияси**

Ушбу бобда вирусли гепатит билан зарарланган, СМПКли беморларда АФС синдроми ва гематоген тромбофилияни ривожланишида вирусли инфекциянинг ролига баҳо берилган.

5-расм




**5-расм. АФС ли ва тромботик асоратли тромбозсиз сурункали миелопролифератив кассалиги беморларида вирусли гепатит В ва вирусли гепатит С билан зарарланиш улушининг ўзаро нисбати**

Тадқиқотлар кўрсатдики, умуман олганда СМПК беморларида ВГС вирусли инфекциясини ташувчиларининг умумий миқдори (n=142) 50 ҳолатни

ташқил этади (35,2%); ҳар икки турдаги инфекция ташувчиларининг бирга келиши (ВГВ+ВГС) 7 (4,9%) нафар беморларда аниқланди. ВГВ ва ВГС сони 1:1,5 нисбатда, мос ҳолда 15,4% ва 24,6% ни ташқил этади. СМПК беморлари орасида вирусли инфекцияни тарқалишини нисбатан юқорилиги, бизнинг фикримизча юқорида келтириб ўтилган тез тез учровчи гемотрансфузия фақти билан тушунтирилади.

6-расм



6-расм. Вирусли гепатит С ва вирусли гепатит В ли беморларида ИЛ-1 ва  $\alpha$ ЎНО даражаси

АФСли СМПК беморларини ва тромбозли СМПК беморларини ВГС билан зарарланишида цитокинлар даражасининг қиёсий таҳлили кўрсатдики, АФСда концентрацияни ишончли ( $p < 0.01$ ) ортиши фақат ИЛ-6га нисбатан аниқланди. Олинган натижалар яллиғланиш цитокинларининг экспрессиясида HCV нинг аҳамиятли ролини кўрсатди, у эҳтимол адгезия молекуласини эндотелиал ҳужайраларнинг синтезини кучайиши билан боғлиқ бўлган СМПКли беморлардаги тромбофил ҳолат генезида маълум рол ўйнаши мумкин.

Ўткир тромбозли беморлар қон зардобида ИЛ-1 $\beta$ ,  $\alpha$ ЎНО даражасининг миқдорини аниқлаш, қоннинг коагуляцион потенциалидаги силжишларни ўз вақтида коррекциялаш ва ривожланишни башоратлаш учун қўлланилиши мумкин, бу эса тромботик жараён асоратларини ривожланишини ўз вақтида олдини олиш ва мос бўлган даволаш тактикасини муваффақиятли танлаш имкониятини кенгайтиради.

Диссертациянинг бешинчи бобда «Гематоген тромбофилияли беморларда фолатлар метаболизмининг полиморфизм генлари ва гемостаз тизимлари генлари мутациясини тадқиқ қилиш» ўрганилган. Мазкур бобда фолатлар метаболизми ва гемостаз тизими генлар мутациясини гематоген тромбофилияни клиник кечиши тавсифига таъсири баён этилган.

Тадқиқот натижалари кўрсатдики, тромбозли СМПК беморларида энг кўп ҳолларда *FGB* ва *F7* генлар мутацияси учради. Бунда *FGB* гетерозигот генотипининг сони 14%, гомозигот сони эса – 4%ни ташқил этди. Беморлар орасидан танлаб олинганлардан *F7* гомозигот генотипи аниқланмади, бунда гетерозигот генотип эса 20% частота билан намоён бўлди. *F2* ген мутацияси ҳам гетерозиготли, ҳам гомозиготли генотиплар билан (ҳар бири 2%дан) намоён

бўлди, шу билан бир вақтда Лейден мутацияси бизлар томонимиздан СМПКли ҳеч бир беморда аниқланмади.

Гуруҳлар таққосланмоқда	Гемостаз тизими генларининг мутациялари			
	F2 G20210A	F5 G1691A (Arg506Gln)	F7 G10976A (Arg353Gln)	FGB G(-455)A
Мутацион генларни ташвиш сонли (абс./ %)				
беморлар гуруҳи СМПК (n=142)	11 (7,7%)	2 (1,4%)	29 (20,4%)	11 (7,7%)
Назорат гуруҳи (n=41)	–	–	3 (7,3%)	2 (4,8%)
p	0,2265	0,4448	0,0517	0,0011
X <sup>2</sup>	1,463	0,5838	3,787	10,63
OR	3,359	–	3,251	8,190
95%CI	0,5600-37,09	–	1,044-10,59	2,151-35,59

Гуруҳлар таққосланмоқда	Фолат циклининг полиморфизм генлари		
	MTHFR (C677T)	MTRR (A66G)	MTR (A2756G)
Полиморфизм ташувчилар сонли (абс./ %)			
беморлар гуруҳи СМПК (n=142)	69 (48,5%)	44 (30,9%)	35 (24,6%)
Назорат гуруҳи (n=41)	8 (19,5%)	4 (9,7%)	2 (4,8%)
p	0,0009	0,0065	0,0055
X <sup>2</sup>	11,04	7,410	7,709
OR	3,89	4,153	6,379
95%CI	1,653-8,470	1,482-11,36	1,648-27,87

**7-расм. Асосий ва назорат гуруҳида гемостаз тизими генлари мутациялари сонидagi фарқларнинг аҳамиятлилигини статистик таҳлили**

**8-расм. Асосий ва назорат гуруҳида фолат цикли генлари полиморфизми сонидagi аҳамиятли фарқларнинг статистик таҳлили**


Назорат гуруҳидаги шартли соғлом шахслар ва СМПКли беморлар гуруҳида фолат цикли генлари полиморфизмининг учраш сонини қиёсий баҳолаш кўрсатдики, сурункали миелопролифератив касалликка эга бўлган беморларда *MTHFR* (C677T) ва *MTRR* (A66G) генларининг полиморф вариантлари 4 марта кўп (мос холда, OR=3,89 ва OR=4,15), *MTR* (A2756G) – гени эса 6 марта кўп (OR=6,37) учради, бу СМПКли беморларда тромбофилияли генетик вариантлар маълумотларининг янада юқори ассоциацияси ва мазкур тоифа беморларида тромбознинг ривожланиш хавфини 4-6 мартага ортиши тўғрисида сўз юритиши мумкин.

9 –расмда кўрсатилганидек артериал тромбозлар энг кўп ҳолатларда проконвертин F7 генидаги мутацияси бўлган (40% нафар беморлар), шунингдек *MTRR* ген мутациясига эга бўлган (30% нафар беморлар) СМПК ли беморларда учради. Веноз тромбозлар кўпинча *MTRR* ва *MTHFR* (мос холда 34,5% ва 37,1% ҳолатларда) ген вариантларини ташувчиларида кузатилди. *MTHFR* генининг полиморф вариантига эга бўлган беморларда кўпинча антифосфолипид синдромнинг (АФС) клиник белгилари кузатилди, бу барча кузатилган АФС ҳолатларининг 57,1%ни ташкил этди. Шунингдек тромбозлар ва ретромбозларнинг бирга келувчи шакллари фолат цикли генларида мутация ташувчилари – СМПК беморларида кўпроқ қайд этилди. Демак, *MTRR* ген вариантларида артериал ва веноз тромбозларини бирга келиши 39,3% ҳолатларда, *MTHFR* ген вариантыда эса – 42,4% беморларда кузатилди. Олинган натижалар шундан гувоҳлик бериши мумкинки, бизлар томонимиздан ўрганилган ўзбек популяциясида СМПКли беморларда тромбозни ривожланишида энг катта сезиларли улушни фолат метаболизмида иштирок этувчи, генларнинг мутация шакллари қўшади.

Умуман олганда тадқиқотлар кўрсатдики, тромботик асоратларга эга бўлган СМПКли беморларнинг 50 нафаридан фақат 6 нафаригина (12%)

ўрганилган генларда ҳеч қандай ўзгаришларга эга бўлмади, бу вақтда 88% беморларда эса мутациянинг у ёки бу генотипик варианты аниқланди, бу эса СМПКли беморларда гиперкоагуляцион ва тромботик асоратларни ривожланишида ирсий генетик омилни жалб этилиш эҳтимоллигини юқорилигидан гувоҳлик беради.

9-расм



9-расм. Тромбознинг турли клиник типларидаги сурункали миелопролифератив кассалиги беморларида фолат цикли ва гемостазнинг вариант генларини учраш сони.

Кейинчалик СМПКли беморларда тромботик асоратларни ривожланишининг ирсий предиктори сифатида FGB G(455)A, F2(G20210A), F5 (G1691A) ва F7(G10976A) генетик вариантларнинг башоратловчи аҳамиятини баҳолаш ва учраш сонини таҳлили ўтказилди.

1 - жадвал

Тромбозли ва тромбозсиз асоратли сурункали миелопролифератив кассалиги беморларида FGB G(455)A генотипик вариантнинг сони

Генотиплар	Учраш сони				$\chi^2$	P	RR	OR	95% CI
	Тромбозли СМПК беморлари (n=50)		Тромбозсиз СМПК беморлари (n=92)						
	Abs	%	Abs	%					
G/G	41	82,0±5,4	59	64,1±5,0	4,966	p=0,026	1,279	2,548	1,102-5,890
G/A	7	14,0±4,9	32	34,7±5,0	7,023	p=0,009	0,403	0,305	0,123-0,756
A/A	2	4,0±2,8	1	1,1±1,08	1,329	p=0,249	3,680	3,792	0,335-42,890

Бироқ тадқиқотларда FGB G(455)A ген мутациясида гетерозигот генотиплар қайд этилмаган тромботик асоратли СМПКли беморлар гуруҳида ишончли равишда кўп (34,7%) қайд этилди ( $p < 0,05$ ), бунда тромботик асоратлар мавжуд бўлганларда эса фақат 14% ҳолатдагина кузатилди. Тромбозсиз кичик гуруҳда ва тромбозли беморлар гуруҳидаги гомозигот мутант генотип частотасининг таҳлили ишончли фарқларни аниқламади (A/A:  $\chi^2 = 1,32$ ;  $p > 0,05$ ;

OR=3,6; 95%CI 0,335–42,890), бунда ёввойи гомозигот генотип G/G тромботик асоратли беморларда ишончли равишда кўп учради (p<0,05) (1- жадвал).

2- жадвал

